

**Ўзбекистон Республикаси судлари судьяларининг одил судловни амалга
оширишдаги ва суд ходимларининг хизмат вазифаларини бажаришдаги
фаолияти давомида муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик учун
ҳақ (пора) таклиф қилинганлиги тўғрисида хабар бериш ва уни кўриб
чиқиш
ТАРТИБИ**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2019 йил 1 мартдаги РС-16-19 сонли
қарорига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан)*

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Тартиб “Судлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Судьялар одоб-ахлоқи қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қуйи судлар, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг касб ва одоб-ахлоқ қоидалари талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси судлари судьяларининг одил судловни амалга оширишдаги ва суд ходимларининг хизмат вазифаларини бажаришдаги фаолияти давомида муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик учун ҳақ (пора) таклиф қилинганлиги тўғрисида хабар бериш ва уни кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Тартибнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қуйи судларнинг судьялари ва суд ходимларини, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимларининг ходимларини (кейинги ўринларда судья ва суд ходимлари деб юритилади) ўз хизмат бурчига садоқатлилик руҳида тарбиялаш, суднинг ва ўз ҳамкасбларининг обрўсига путур етказадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан ўзини тийишга чорлаш, пора таклиф қилишга имкон берувчи шароитларни яратишга йўл қўймаслик ҳамда жамиятда порахўрлик иллатини йўқотишга кўмаклашишдан иборатдир.

Судья ва суд ходимлари суд мажлисида иштирок этувчи шахслар, фуқаролар ва ташкилотларнинг ходимлари билан ўзаро муносабатларида уларнинг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигини шубҳа остига қўядиган, шунингдек бирон-бир манфаатдорлик муносабат мавжуд деган тасаввурни ҳосил қилиши мумкин бўлган ҳолатлардан ўзларини тийишга мажбур.

II. Асосий тушунчалар

3. Мазкур Тартибда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

пора олиш - мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий наф кўриши (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддаси);

пора бериш - мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали мансабдор шахсга моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 211-моддаси).

Пул, қимматбаҳо қоғозлар, моддий бойликлар, шунингдек мулкий моҳиятга молик бўлган (масалан, таъмирлаш, қурилиш, қайта тиклаш ишларини бажариш ва бошқалар) хизматлар пора предмети бўлиши мумкин;

пора олиш-беришда воситачилик қилиш - пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 212-моддаси);

порахўрлик - пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш тушунчаларини қамраб оладиган тушунча;

таъмагирлик - мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш ёки фуқарони унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасддан тушириш.

III. Хабар бериш ва уларни ҳал этиш тартиби

4. Судья ўзининг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятига ўтказилган тазйиқ ва аралашувлар, шунингдек муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик учун ҳақ (пора) таклиф қилинган тақдирда, Судьяларнинг олий малака ҳайъатига (кейинги ўринларда малака ҳайъати деб юритилади) хабар бериши шарт.

5. Суд ходими муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик учун ҳақ (пора) таклиф қилинганда ёхуд пора олиш-беришда воситачилик қилиш сўралганда, бу ҳақда тегишли суд раисига хабар беришга мажбурдир.

6. Судья ёки суд ходимига пора таклиф қилинганда у бу ҳақда бир сутка (йигирма тўрт соат)нинг ичида тегишлича малака ҳайъатига ёки суд раисига ёзма хабарнома тақдим этиб, унда қуйидаги маълумотларни акс эттириши лозим:

а) судья ёки суд ходимининг фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойининг тўлиқ номи ва лавозими;

б) пора таклиф этган ёки пора беришга воситачилик қилган шахсга оид барча маълум бўлган маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи, лавозими ва бошқа маълумотлар);

в) пора эвазига бажариш ёки бажармаслик сўралган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

г) таклиф қилинган ҳақ (пора) предмети, таклиф билдирилган вақт ва жойи;

д) мавжуд бўлса, тазйиқ ёки бошқа турдаги аралашув ҳолатлари;

е) судья ёки суд ходимининг ҳақ (пора) таклиф қилган шахсга билдирган муносабати;

ё) пора таклиф қилган шахснинг билдирилган муносабатдан кейинги ҳаракатлари (пора бериш фикридан қайтган ёки қайтмаганлиги, ўз мақсадини амалга ошириш учун учрашиш ниятида эканлиги ва бошқалар);

ж) хабарнома тузилган сана, судья ёки суд ходимининг имзоси.

7. Судьянинг хабарномаси тегишли суд раиси орқали ёки бевосита малака ҳайъатига йўлланиши мумкин.

Агар хабарнома тегишли суд орқали юбориладиган бўлса, у албатта суднинг девонхонасида электрон маълумотлар базасида қайд этилиши ва суд раисининг кузатув хати билан юборилиши шарт.

Бевосита малака ҳайъатига хабарномалар почта алоқа хизматлари орқали юборилиши ёки шахсан топширилиши мумкин.

Малака ҳайъатига келиб тушган хабарномалар Олий суднинг Девонхонаси томонидан электрон маълумотлар базасида рўйхатга олиниши ҳамда Кадрлар бошқармасида юритиладиган махсус дафтарда қайд этилиши шарт.

Малака ҳайъати хабарнома келиб тушганлиги ҳақида бир кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига хабар бериши ва пора таклиф қилган шахсга нисбатан жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш учун прокуратура органларига хабарнома нусхасини илова қилган ҳолда хат йўллашга мажбурдир.

8. Суд ходими томонидан тегишли суд раисига берилган хабарнома суднинг девонхонасида электрон маълумотлар базасида қайд этилиши ҳамда судда юритиладиган махсус дафтарда қайд этилиши шарт.

Суд раиси хабарнома келиб тушганлиги ҳақида бир кунлик муддатда Олий суднинг Кадрлар бошқармасига хабар бериши ва ҳақ (пора) таклиф қилган шахсга нисбатан жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш учун прокуратура органларига хабарнома нусхасини илова қилган ҳолда хат йўллашга мажбурдир.

Келиб тушган хабарномани ҳаракатсиз қолдиришга йўл қўйилмайди ва бундай ҳаракат жиноятни яширганлик сифатида баҳоланишига сабаб бўлади.

9. Судьялар бўйича хабарномалар ҳисоби малака ҳайъати томонидан, жойларда қуйи судларнинг кадрлар ишларини юритадиган суд ходимлари, Олий судда эса Кадрлар бошқармаси томонидан юритилади.

Хабарномаларнинг умумий ҳисоботини Кадрлар бошқармасининг бошлиғи шахсан юритиб боради.

IV. Пора таклиф қилган шахслар тўғрисида хабар берганлик учун мукофот бериш тартиби

10. Пора таклиф қилган шахслар тўғрисида хабар берган судья ва суд ходимларини рағбатлантириш мақсадида уларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн баравари миқдоригача бир марталик мукофот пули Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилади.

11. Пора таклиф қилган шахслар тўғрисида хабар берган судья ва суд ходимларини рағбатлантириш мақсадида эгаллаб турган лавозими (вазифаси) бўйича назарда тутилган даражадан қатъи назар, изчилликка, малака ва мансаб даражасида бўлиш муддатига риоя этмаган ҳолда даражага тавсия этиш масаласи кўриб чиқилади.

V. Яқунловчи қоидалар

12. Судья ва суд ходимлари ҳақ (пора) таклиф қилишга имкон берувчи шароитларни яратишга йўл қўймасликлари шарт.

Агарда, судья ёки суд ходимининг ҳузурига бирор бир шахс одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти юзасидан бирор илтимос ёки таклиф билан келганда ва у ўзининг ҳақ (пора) бериш ниятини ошкор этмасдан ҳаракат қилганда, судья ёки суд ходими ушбу шахсга одил судлов фаолиятига ёки хизмат вазифаларига аралашининг салбий оқибатлари ва унга нисбатан кўрилиши мумкин бўлган жавобгарлик чоралари ҳақида тушунтириш беришга мажбурдир.

Бундай тушунтиришнинг берилмаслиги илтимос ёки таклиф билан мурожаат қилган шахсда судья ёки суд ходимининг холислигига шубҳа уйғотиши ва оқибатда бажарилиши ёки бажармаслиги илтимос қилинган иш учун ҳақ (пора) таклиф қилинишини келтириб чиқариши мумкинлигини назарда тутиш лозим.

Ҳақ (пора) бериш ниятини ошкор этмасдан қилинган бундай ҳаракатлар одил судлов фаолиятига аралашини сифатида баҳоланиб, тегишли хабарнома билан расмийлаштирилиши шарт. Бу турдаги хабарномалар ҳам малака ҳайъати ва Олий суд Кадрлар бошқармаси томонидан рўйхатга олинади ва мурожаат қилган шахс огоҳлантирилади.

13. Ҳақ (пора) таклиф қилинганда ушбу Тартиб қоидаларига амал қилмаслик жиноятни яширганлик сифатида баҳоланишига сабаб бўлади ва тегишли жавобгарликни келтириб чиқаради.

14. Судья ёки суд ходимларига нисбатан хизмат текшируви ёхуд бошқа турдаги текширувлар ўтказиш мобайнида текширувга жалб қилинган шахсларнинг тушунтириш ва кўрсатмаларидан мазкур Тартибга амал қилинмаганлик ҳолати аниқланса, текширувни ўтказётган масъул ходим бу ҳақда Олий суд раисига ахборот беришга мажбурдир.

15. Судья ва суд ходимлари оила аъзоларига нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланганлиги тўғрисида тегишлигича Олий суд Кадрлар бошқармасига ва малака ҳайъатига зудлик билан хабар бериши шарт.